

# Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
# Тошкент давлат юридик институти

***Ундирувни қарздор юридик шахснинг мол мулкига қаратиш хусусиятлари. . Қарздор юридик шахснинг мол-мулкини хатлаш ва реализация қилиш.***

**Текширди:**
**Маткаримов Қ.**

**Тайёрлади: «2-ҳуқуқ» 3-курс "В" поток 2-гуруҳ талабаси**
**Самиева С.А**

## Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ижро иши юритишнинг бош ҳуқуқий асоси сифатида.




**114-модда.**

Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.



“Биз адолат ўрнатмоқчи бўлсак, минг йилликлар, асрлар давомида ўзимизда шаклланган адолатни жорий қиладиган бўлсак, аввало, етказилган зарарни ундириб олиш масаласини ҳал қилишимиз керак”

И.А.Каримов

Суд қарорлари ва қонунда кўзда тутилган бошқа актларни ижро этиш ижро иш юритуви субъектлари

– суд ижрочиларининг махсус ҳуқуқни қўллаш фаолиятидир



Суд ижрочисининг вазифаси – талабни моҳиятан ўзгартирмасдан, ижро иш юритувининг махсус механизми ёрдамида мажбурий ижро этишдир.



Қарздор юридик шахс кассасининг сейфларида сақланаётган ва бу кассанинг алоҳида ажратилган
хонасида ёки қарздорюридик шахснинг бошқа биноларида бўлган сўмдаги ва чет эл валютасидаги накд пул маблағлари аниқланиши биланоқ, қарзни узиш ижро йиғимива ижро бўйича харажатларни қоплаш учун зарур бўлган микдорда дарҳол олиб қўйилиши лозим.Олиб қўйилган сўмдаги пул маблағлари эртаси кундан кечиктирмай қарзга тенг миқдорда ундирувчининг ҳисобварағига ўтказиш учун банкка топширилади. Суд ижрочиси қарздор юридик шахснинг банклардаги ва бошқа кредит ташкилотларидаги  ҳисобварақларида ва омонатларида турган ёки сақланаётган
пул маблағларини хатлаш чораларини кўради.

## Ундирувни қарздор юридик шахснинг бошқа мол-мулкига қаратиш.

Қарздор юридик шахснинг қарзларни узиш учун етарли пул маблағлари бўлмаса, ундирув унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган, қаерда ва кимнинг фойдаланишида бўлишидан қатъи назар, бошқа мол-мулкка (муомаладан чиқарилган ёхуд муомалада бўлиши чекланган мол-мулк бундан мустасно) қаратилади. Бу мол-мулк ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда хатланади ёки унга нисбатан бошқа ижро ҳаракатлари амалга оширилади.

# Қарздор юридик шахснинг мол-мулкини хатлаш ва реализация қилиш навбати.

ишлаб чиқаришда бевосита қатнашмайдиган кўчар мол-мулкка нисбатан;

товарларни ишлаб чиқаришда, ишларни бажаришда ва хизматлар кўрсатишда бевосита фойдаланилмайдиган мулкий ҳуқуқларга, шунингдек ишлаб чиқаришда бевосита қатнашмайдиган ва бевосита қатнашишга мўлжалланмаган бошқа моддий қимматликларга нисбатан;

# Қарздор юридик шахснинг мол-мулкини хатлаш ва реализация қилишнинг учинчи навбати.

товарлар ишлаб чиқиришда, ишларни бажаришда ёки хизматлар кўрсатишда бевосита қатнашадиган мулкий ҳуқуқларга, кўчмас мулк объектларига, шунингдек хом ашё ва материаллар, дастгоҳлар, асбоб-ускуналар, ишлаб чиқаришда бевосита қатнашишга мўлжалланган бошқа асосий воситаларга нисбатан.



Қарздор юридик шахс қайта ташкил этилган (қўшиб юборилган, қўшиб олинган, бўлинган, ажратиб чиқарилган, ўзгартирилган) тақдирда

ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қарздор юридик шахснинг мажбуриятлари юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ зиммасигажавобгарлик юклатилган юридик шахснинг пул маблағлари ва бошқа мол-мулкига қаратилади.



**Суд ижрочиси ижро иши юритишни тамомлайди**

рўйхатдан ўтказувчи органдан қарздорнинг ихтиёрий тугатиш жараёнида эканлиги тўғрисида хабарнома олинганда

Хўжалик судининг қарздорни банкрот деб топиш ва тугатиш ишини юритишни очиш тўғрисидаги қарорининг кўчирма нусхаси олинганда

**Ким ошди савдосини ўтказишга тайёргарлик кўриш.**

Мол-мулк ва мулкий ҳуқуқларнинг айрим турларини реализация қилиш бўйича ким ошди савдоси биржалар томонидан ташкил этилади ва ўтказилади.

Тегишли биржа билан тузилган шартнома ва (ёки) савдога қўйиладиган мол-мулкнинг ёки мулкий ҳуқуқларнинг дастлабки (бошланғич) баҳоси кўрсатилган буюртманома ким ошди савдосини ўтказиш учун асос бўлади.

Ким ошди савдолари нархнинг ошиб бориши тамойили асосида ўтказилади.

# ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:


- Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги № 258-II сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., № 21, 145-модда.
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (2008 йил 21 апрелгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). – NORMA ахборот-ҳуқуқ тизими.
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси (2008 йил 9 апрелгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). - NORMA ахборот-ҳуқуқ тизими.
- “Ижро ишини юритиш ва суд ижрочилари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом (2001 йил 29 декабрь, рўйхат рақами 1091) - Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2001 йил, 23-24-сон).
- Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишга оид қонун ҳужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2007. – 344 б.


Эътиборингиз учун рахмат!!!